

Жиноят ишини кўришда Жиноят процессуал кодексининг 76-моддасига риоя қилинмаслиги процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 76-моддаси еттинчи бандига асосан, жиноят ишини назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанцияси жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2012 йил 7 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди, 109-моддаси 2-қисми билан, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган М.га оид иш бўйича мазкур қонун талаблига риоя қилмаган.

Хусусан, мазкур жиноят ишини назорат инстанцияси судида кўришда иштирок этган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Б. ишни 2012 йил 25 сентябрь куни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этиб, қонун талабини бузган.

Оқибатда Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 14 мартдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 25 сентябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилди.

ЖСХ-71-13-сонли ажрим